

Special Issue on "Innovative Economy: Challenges, Analysis and Prospects for Development"
Published in Aug-2021

Economic Assessment of the Rural Population in Non-Agricultural Activities and the Factors Affecting IT

Sh.A. Muratov

Аннотация. Илмий тадқиқот ишида уй хўжалиги оила бошликларининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлиш қарорига таъсир этувчи “узоқлаштирувчи (push factors)” ва “тортувчи (pull factors)” омилларга “probit” регрессия модел воситасида иқтисодий баҳо берилган. Таҳлилда, 134 нафар респондентдан онлайн сўровнома асосида олинган маълумотлардан фойдаланилган.

Калит сўзлар: қишлоқ ҳудуди, ноқишлоқ хўжалик фаолият, ноқишлоқ хўжалик фаолиятидан келадиган даромадлар, “узоқлаштирувчи (push factors)”, “тортувчи (pull factor)” омиллар, маҳалла ўсиш нуқтаси.



PhD student, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Кириш. Ноқишлоқ хұжалик фаолиятида иш билан бандликнинг бирламчи маълумотлари шуни күрсатадыки, қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш, уй хұжалиги даромадларининг ошиши, оиласа озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаштырып, камбағалликни қисқартиришта мухим роль ўйнайды [1]. Қишлоқ ҳудудларидан кичик күламдаги ишлаб чиқариш ва хизмат күрсатышни босқичма-босқич кенгайтириш камбағалликдан қутулишнинг юқори самарали йўли ҳисобланади [2]. Шунингдек, тенгсизликни камайтириш, қишлоқ ҳудудларидан мөхнатга лаёқатли ишчи кучини жалб қилиш, қишлоқдан шаҳарга кўчиб ўтишни секинлаштириш ва миллий даромаднинг ўсишига хисса қўшиш имкониятини беради [3].

Узоқ вақт давомида ҳукуматимиз томонидан аграр соҳада қишлоқ хұжалигини барқарор ривожлантириш, ресурслардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хұжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, моддий техника базасини модернизациялашга алоҳида этибор қаратилди. Натижада, қишлоқ хұжалигига маҳсулотларни ишлаб чиқариш бир неча баробарга ошишга эришилди. Бироқ, қишлоқ хұжалигига мулк шакли, фермер хұжалик экин майдонлари (оптималлаштириш, мақбуллаштириши, тириклиштириши) ва фаолият турларининг ўзгариши, қўл мөхнати билан бажариладиган маълум бир ишлар автоматлаштирилган тизимга ўтиши қишлоқ аҳолисининг қишлоқ хұжалик фаолиятида банд бўлиш қарорига таъсир кўрсатди [4]. Натижада, қишлоқ хұжалигига доимий (мавсумий, ёлланма) бандликни талаб қиласидан фаолият тури уй хұжалик аъзоларининг бандлигини сикиб чиқаруб, қишлоқларда ишсизлар сонининг ошишига олиб келинди. Ваҳоланки, қишлоқ ҳудудларидан уй хұжалик аъзолари учун қишлоқ хұжалик ёки томорқа хұжаликларида ўсимликчиллик ва чорвачилик фаолиятида банд бўлиши, оила ўз истеъмолини қишлоқ хұжалик маҳсулотлари билан қондиришга, ундан даромад олишга ҳаракат қилишади. Бироқ, фермер хұжалик фаолиятида банд бўлмаган, дехқон (томорқа) хұжалигига қишлоқ хұжалик маҳсулотлари етишиштираётган кўп оиласи ёки оила аъзолари сони кўп бўлган уй хұжаликлари истеъмол товар(озиқ-овқат, ноозиқ-овқат) ларини сотиб олишни молиялаштиришда ноқишлоқ хұжалик фаолиятидан олинган даромадларга таянади [5]. Бироқ, ноқишлоқ хұжалик соҳаларининг қишлоқ ҳудудларидан ўсиб бориши қишлоқ хұжалик фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Яъни, Э.Гианнакис ва бошқалар [6] Кипр қишлоқ ҳудуди уй хұжаликларида ўтказган илмий тадқиқот натижаларига кўра, фермер ёки дехқон хұжаликларида экин майдонлари билан ноқишлоқ хұжалик фаолиятида иштирок этиш эҳтимолиги ўртасида тескари боғлиқлик мавжудлиги аниқлашган. Шунингдек, С.Ҳаблид ва бошқалар [7] нинг илмий тадқиқот натижаларига кўра, қишлоқ ҳудудларидан 0,5 гектардан кам бўлган уй хұжаликларида ноқишлоқ хұжалик фаолияти даромадлари 30-90 фоизгача, экин майдони кам ёки мавжуд бўлмаган уй хұжаликлари ноқишлоқ хұжалик фаолиятдан келадиган даромад манбаларига таянишини таъкидлашган.

Мазкур илмий тадқиқот ишининг мақсади – ноқишлоқ хұжалик фаолияти ва унда оила бошлиқлари банд бўлиш қарорига таъсир этувчи “узоқлаштирувчи (push factors)” ва “тортувчи (pull factors)” омилларни аниқлаш ва уларни иқтисодий баҳолаш.

Мазкур мақсадни амалга оширишда онлайн сўровнома ўтказиш натижасида 134 нафар респондентдан олинган маълумотлардан фойдаланилди.

Материал ва методлар. Ўрганилган илмий мақолалар асосида ижтимоий сўровнома шакллантирилди ва <https://www.survevio.com> сайтни орқали ўтказилган онлайн сўровномада 143 та респондент иштирок этди.

Илмий мақолада оила бошлигининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлиш қарорига таъсир этувчи “узоқлаштирувчи (push factors)” ва “тортувчи (pull factors)” омилларни аниқлаш ва уларга иқтисодий баҳо бериш асосий мақсад бўлганилиги учун нафақа ёшдаги эркак ва аёллар ҳамда томорқа майдонига эга бўлмаган 9 нафар респондент сўровнома маълумотлари олинмади. Чунки, оила бошлиғи 60 ёшдан катта бўлган эркаклар ва 55 ёшдан катта бўлган аёллар қишлоқ ёки ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлиб нафақага чиқан кекса ёшдагилардир. Шунингдек, ўрганилган хорижий олимларнинг илмий тадқиқот натижаларига кўра, ер(томорқа хўжалигига) майдонига эга бўлмаган уй хўжалиги бошлиқ ва аъзолари ноқишлоқ хўжалик фаолиятдан келадиган даромадларга таяниши таъкидланган.

Маҳаллий иқтисодиётни ривожланиши *тармоқлараро интеграцияни* [8] ноқишлоқ хўжалик фаолиятини ривожланиши билан боғлиқ бўлиб [9], электр энергия, сув таъминоти, магистрал йўллар, мактаблар, соғлиқни сақлаш, касб-хунар таълими, одамларга инвестициялар, капитал, банк ва кредит учун талабларни сезиларли даражада оширади. Шунга асосан, оила бошлигининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишига оила аъзолар сони, унинг ёши ва жинсий кўрсаткичи билан бир қаторда уй хўжалиги жойлашган худудда ижтимоий-иктисодий инфратузилмалар ҳолати ҳам ўрганилди.

Оила бошлиғи маълум ёшга киргунича оилада аъзолар сони ошиб боради, яъни биз ўрганган респондентларда оила бошлиғи ёши 40-45 ёшгача оила аъзолар сони ўзгарган. Бироқ, оила аъзоларининг вояга этиши оилада аъзолар сонининг ўзгаришига таъсир кўрсатган.

Боғлиқ ўзгарувчи (Y) га мустақил ўзгарувчи қай даражада таъсир кўрсатишни иқтисодий баҳолашда, яъни оила бошлигининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлиш қарорига таъсир этувчи омилларни таҳлил этишда *probit* регрессия моделидан фойдаланилди.

Мазкур методдан фойдаланилган ҳолда қишлоқ худудларида оила бошлиқларининг қишлоқ хўжалик ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишига таъсир этувчи “узоқлаштирувчи (push factors)” ва “тортувчи (pull factor)” омиллар аниқланди ва уларга “STATA-16” компьютер дастурида олинган таҳлил натижалари асосида иқтисодий баҳо берилди.

Натижа ва муҳокамалар. Респондентлардан олинган маълумотлар дастлабки таҳлилига кўра, ўзгарувчиларнинг ўртacha миқдори стандарт оғиш билан боғлиқ бўлиб, маълумотларнинг тарқоқ ҳолда жойлашган ёки жойлашмаганлиги аниқланди (1-жадвал).

Қишлоқ худуддига жойлашган уй хўжаликлири томонидан инфратузилма хизматларидан фойдаланишнинг сифат кўрсаткичи 0,5 коеффициентдан юқорилиги, оила бошлиғларининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишига ушбу “тортувчи (pull factor)” омиллар ижобий таъсир кўрсатиш мумкин. Яъни, қишлоқ ва шаҳар худудларини боғловчи транспорт хизматларининг самарали йўлга қўйилиши, харажатлари камайиши қишлоқ худуд аҳолиси меҳнат миграциясини ошириб [10], қишлоқ худудларида истеъмол товар ва хизматлар сотиг олиш қобилияти ва фаровонлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

1-жадвал
Probit регрессия моделда ишлатиладиган ўзгарувчилар ва респондентларнинг асосий хусусиятлари

№	Ўзгарувчилар	Ўртача	Стандарт оғиш	Минимум	Максимум
1.	Оила бошлигининг иш фаолияти	0,843	0,364	0	1
2.	Оила бошлиғи маълумоти	1,238	0,815	0	3
3.	Оила бошлиғи жинси	0,791	0,408	0	1
4.	Оила бошлигининг ёши	46,559	4,644	34	60
5.	Оила аъзолари сони	5,791	1,536	3	12
6.	Оила бошлиғи иш тажрибаси	23,194	6,444	10	37
7.	Томорқа майдони ҳажми	8,604	2,254	6	15
8.	Үй хўжалиги жойлашган худудда транспорт хизматининг ҳолати	0,522	0,501	0	1
9.	Үй хўжалиги кредитдан фойдаланиши	0,350	0,478	0	1
10.	Үй хўжалиги жойлашган худудда электр энергия хизматининг ҳолати	0,723	0,448	0	1

Илмий тадқиқот натижаларига кўра (2-жадвал), уй хўжалигида оила аъзолари сонининг қанчалик кўп бўлиши, оила бошлигининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлиш эҳтимолини оширади. Яъни, оила аъзолари сонининг ошиши оила бошлигининг қишлоқ хўжалигига банд бўлишига салбий таъсир кўрсатади. Оилада аъзолар сонининг ошиши "узоқлаштирувчи (push factors)" омил ҳисобланаб, оилада аъзолар сонинг 1 нафарга ошиши оила бошлигининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишини 3,033 бирликка оширади.

Ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлиш қарорига оила бошлиқларининг жинси ҳам таъсир кўрсатиб, эркак киши оила бошлиғи бўлиши уни ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишини 31,819 бирликка оширади.

2-жадвал
Қишлоқ худудларида оила бошлиқларининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишига таъсир этувчи омилларнинг иқтисодий баҳолаш натижалари

Даромад манбай	Коеф.	t – стат.	P > t
Оила бошлиғи маълумоти	15,103***	3,07	0,002
Оила бошлиғи жинси	31,819***	3,01	0,003
Оила бошлигининг ёши	-0,222**	-2,15	0,031
Оила аъзолари сони	3,033**	2,31	0,021
Оила бошлиғи иш тажрибаси	0,118*	1,85	0,065
Томорқа майдони ҳажми	-8,020***	-2,88	0,004
Үй хўжалиги жойлашган худудда транспорт хизматининг ҳолати	21,674***	2,62	0,009
Үй хўжалиги кредитдан фойдаланиши	0,396	0,46	0,645

Уй хўжалиги жойлашган ҳудудда электр энергия хизматининг ҳолати	16,198***	2,79	0,005
Респондентлар сони	134		
Wald chi2(9) = 275,54			
Prob > 0,0000			
Pseudo R ² = 0,9013			

Изоҳ: * муҳимлик даражаси – 10%; ** муҳимлик даражаси – 5%; *** муҳимлик даражаси – 1%

Оила хўжалик бошлиғи ва аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, ишончи, билим, маълумот ва салоҳият [11] ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишида муҳим белгиловчи омилдир. Қишлоқ ҳудудларида оила бошлиғи маълумотининг бир бирликка ошиши ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишини 15,103 бирликка оширади. Яъни, оила бошлиғи ва аъзолари ёши ва маълумоти бевосита ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлиши тўғрисидаги қарорига сезиларли таъсир қиласди. Бироқ, уй хўжалигига оила бошлиғи ва аъзоларининг олий маълумотга эга бўлиши “тортувчи (pull factor)” омил ҳисобланаб, ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишни оширади.

Қишлоқ ҳудудларида ижтимоий-иктисодий инфратузилма хизматларини ривожланиши қишлоқ аҳолисининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлиш қарорига таъсир кўрсатади. Яъни, қишлоқ ҳудудларида “тортувчи (pull factor)” омилларни: транспорт ва электр энергия хизматидан фойдаланишини бир бирликка ошиши, оила бошлиғининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишини мос равишда 21,674: 16,198 бирликка оширади.

Қишлоқ ҳудудларида яшовчи аҳолини томорқа экин майдонларида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради[12]. Бироқ, уй хўжалик аъзолари учун дехқончиликдан олинадиган даромадга нисбатан ноқишлоқ хўжалик фаолиятидан келадиган даромад муҳимдир [13]. Қишлоқ ҳудудларида томорқа ер майдонлари ҳамининг ошиб бориши билан оила бошлиқларининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлиши ўртасида тескари боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Томорқа ер майдони ҳажмининг бир бирликка ошиши оила бошлиғининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишини -8,020 бирликка камайтиради, аксинча. Яъни, томорқа ер майдонларининг чекланганлиги оила бошлиқларининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишини оширади. Томорқа ер майдонларининг камайиши оила бошлиқларининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишига "узоқлаштирувчи (push factors)" омил ҳисобланади.

Аҳоли томонидан фойдаланилган микрокредитлар оила аъзоларининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишига, камбағалликни қисқартириш ва фаровонликни оширишда муҳим аҳамиятга эгалиги Фам Тиен ва бошқаларнинг [14] Вьетнам мамлакати мисолида ўрганилган илмий тадқиқот натижаларида таъкидланган. Бироқ, биз ўрганган респондентлар истеъмол кредитлардан фойдаланганлиги учун, оила бошлиқларининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлиш қарорига сезиларли таъсир кўрсатмаган. Агар уй хўжалиги томонидан кредитларни ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ёки ўз-ўзини банд қилиш соҳаларига йўналтирганда оила бошлиқлари ёки аъзоларининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлиш қарорига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Ушбу натижалар, Гианнакис ва бошқалар [1], Б.Давис ва бошқалар [15], Реардон ва

бошқалар [8]нинг ўрганилган илмий тадқиқот натижалариға мос келади.

Хулоса ва таклифлар. Ноқишлоқ хўжалик фаолияти қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожланишида, оила даромадларини ошишида, қишлоқ аҳолиси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, камбағалликни қисқартиришда муҳим роль ўйнайди. Ноқишлоқ хўжалик фаолият - қишлоқ хўжалик фаолиятидан бошқа барча иқтисодий фаолиятни: қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва уни қайта ишлаш, ҳунармандчиллик, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси, қурилиш материаллари, автомабел транспорт саноати, ижтимоий-иктисодий хизмат кўрсатиш тармоқлари, мавсумий ички ва ташқи миграцияни ўз ичига қамраб олади.

Қишлоқ ҳудудларида оила бошлиқларининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлиш қарорига "узоқлаштирувчи (push factors)" ва "тортувчи (pull factor)" омиллар таъсир этади. Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма ва маҳаллий бозорларнинг ривожланиши, кредитлардан фойдаланиши, уй хўжалигининг шаҳар ҳудудига яқин жойлашиши, оила аъзоларининг олий маълумотга эга бўлиши оила бошлиқларининг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлишда "тортувчи (pull factor)" омиллар ҳисобланса, оила хўжалигига аъзолар сонинг кўплиги, томорқа хўжалигига экин майдонинг чекланганлиги "узоқлаштирувчи (push factors)" омиллар ҳисобланади.

Қишлоқ ҳудудларида камбағалликни қисқартириш, оила фаровонлигини оширишда ноқишлоқ хўжалик фаолиятида бандлик ваундан келадиган даромадлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ ҳудудларида ижтимоий-иктисодий инфратузилмалар ривожланиши аҳолининг ноқишлоқ хўжалигига банд бўлишини 16-21 бирликка оширади. Шунингдек, қишлоқ ҳудудларида аҳолининг таълим даражаси ноқишлоқ хўжалик фаолиятда банд бўлишини 15,1 бирликка ошириши аниқланди.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан маҳалларнинг ўсиш нуқтасини белгилаш ва қишлоқ ҳудудларида аҳоли бандлиги ҳамда уларнинг турмуш даражасини оширишда ноқишлоқ хўжалик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришни тақоза этади. Бунда ноқишлоқ хўжалик фаолиятида аҳоли бандлигини оширишда қишлоқ ҳудудларида ижтимоий-иктисодий инфратузилмаларни ривожлантириш, мақсадли имтиёзли кредитларни йўналтириш, ҳар бир оиласда таълим олиш даражасини оширишда кучли ижтимоий-иктисодий ислоҳатларни амалга ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Lanjouw P. Nonfarm employment and poverty in rural El Salvador //World development. – 2001. – Т. 29. – №. 3. – С. 529-547
2. Start D. The rise and fall of the rural non-farm Economy: Poverty Impacts and Policy options //Development policy review. – 2001. – Т. 19. – №. 4. – С. 491-505.
3. Barrett C. B., Reardon T., Webb P. Nonfarm income diversification and household livelihood strategies in rural Africa: concepts, dynamics, and policy implications //Food policy. – 2001. – Т. 26. – №. 4. – С. 315-331.
4. Start D. The rise and fall of the rural non-farm Economy: Poverty Impacts and Policy options //Development policy review. – 2001. – Т. 19. – №. 4. – С. 491-505.
5. Lanjouw P., Feder G. Rural non-farm activities and rural development: From experience towards strategy. – The World Bank, 2001. – №22818. – С. 1.

6. Giannakis E., Efstratoglou S., Antoniades A. Off-farm employment and economic crisis: evidence from Cyprus //Agriculture. – 2018. – T. 8. – №. 3. – C. 41.
7. Haggblade S., Hazell P., Reardon T. The rural non-farm economy: Prospects for growth and poverty reduction //World development. – 2010. – T. 38. – №. 10. – C. 1429-1441.
8. Reardon T., Berdegué J., Escobar G. Rural nonfarm employment and incomes in Latin America: overview and policy implications //World development. – 2001. – T. 29. – №. 3. – C. 395-409.
9. Leonardo C., Reardon T. (2001) Rural Nonfarm Income in Nicaragua. World Dev 29(3): 427-442
10. Stifel D. The rural non-farm economy, livelihood strategies and household welfare //African Journal of Agricultural and Resource Economics. – 2010. – T. 4. – №. 311-2016-5532. – C. 82-109.
11. Cai L. A. Analyzing household food expenditure patterns on trips and vacations: a Tobit model //Journal of Hospitality & Tourism Research. – 1998. – T. 22. – №. 4. – C. 338-358.
12. Michailidis, D. Lazaridou. Non-farm Employment: A Key Challenge to Achieve Zero Hunger. Copyright Information Springer Nature Switzerland AG 2020. DOI <https://doi.org/10.1007/978-3-319-69626-3>. Online ISBN 978-3-319-69626-3
13. Corral L., Reardon T. Rural nonfarm incomes in Nicaragua //World development. – 2001. – T. 29. – №. 3. – C. 427-442.
14. Pham Tien Thanh, Katsuhiro Saitob, Pham Bao Duongc,. Impact of microcredit on rural household welfare and economic growth in Vietnam. Journal of Policy Modeling 41 (2019) 120–139
15. Davis J. Conceptual issues in analysing the rural non-farm economy in transition economies. Natural Resources Institute report. 2001.